

# « SHAHARSOZLIK EKSPERTIZASI »

MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI

Toshkent shahri Chilonzor tumani 18 mavze, 4uy. h/r 2020 8000 4051 3475 0001 XATB Davr bank

Chilonzor filiali MFO:01046 STIR: 306 801 557 Tel. +998 99 001-12-29

Тошкент шаҳри



## ЭКСПЕРТИЗА ХУЛОСАСИ №8701

Тақдим этилган ҳужжатнинг номи: Тошкент шаҳар Чилонзор туманида жойлашган №177 Мактабгача таълим муассасасининг №1,2,3,4 хоналарини жорий таъмирлаш.

Буюртмачи :  
Молиялаштириш манбаи:  
Бош лойиҳачи :

Чилонзор тумани МТБ  
Бюджет маблағлари ҳисобидан  
"ARCHITECTURAL PROJECTS" МЧЖ  
(Лицензия № АЛ-001912 от 30.09.2021г.)

Объектнинг бошланғич қийматини аниқлаш бўйича тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилиб хулоса бериш учун асос:

- Хулоса бериш учун берилган буюртмачининг хати ва камчиликлар далолатномаси.

Буюртмачи томонидан Экспертизага тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати:

- Объектда бажарилиши лозим бўлган ишлар рўйхати ( камчиликлар далолатномаси)
- Объектнинг бошланғич умумий қийматини аниқловчи смета ҳужжатлари.
- Объектнинг номи: Тошкент шаҳар Чилонзор туманида жойлашган №177 Мактабгача таълим муассасасининг №1,2,3,4 хоналарини жорий таъмирлаш ишлари учун тузилган смета ҳужжати.
- Объектнинг бошланғич умумий қиймати жорий нархларда 15% ҚҚС билан 123 392 718 сўмни ташкил этади.
- Асосий иш ҳақи ижтимоий сугурта ажратмалари билан – 20 750 481 сўм
- Машина механизмлар харажатлари – 621 985 сўм
- Қурилиш материаллари ва конструкциялар харажатлари транспорт харажатлари билан – 70 124 094 сўм
- Жихоз ва ускуналар харажатлари транспорт харажатлари билан – 0 сўм.
- Пудратчининг бошқа харажатлари – 15 801 456 сўм.
- Объектнинг сугурта харажатлари - 0 сўм.
- Таваккалчилик коэффициенти – 0 сўм.
- Буюртмачининг бошқа харажатлари – 0 сўм.
- ҚҚС – 16 094 702 сўм

### 1. Кўриб чиқиладиган ҳужжатларнинг қисқача мазмуни.

- Объектнинг бошланғич умумий қиймати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.06.2003й.даги № 261 сонли қарори билан тасдиқланган "Қуриладиган (таъмирланиётган) объектнинг бошланғич умумий қийматини аниқлаш тартиби" бўйича ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган ШНК4.01.16-09 ва 30.07.2009 й.даги № 83 буйруғи асосида объектнинг умумий қиймати аниқланган.
- Ишчи қурувчиларнинг ўртача иш ҳақи 26 113.71 сўмни ташкил этади, 12% лик ижтимоий сугурта харажатлари билан (2021 й. III чорак).
- Қурилиш материаллари ва конструкциялар нархлари жорий каталоглар ва мавжуд бозор нархлар асосида ишлаб чиқилган.
- Машина механизмлар харажатлари хизмат кўрсатувчи транспорт ва механизация корхоналари, қурилиш ташкилотларининг жорий нархлардаги тақдим этган калькуляциялари асосида ишлаб чиқилган.
- Қурилиш материаллари учун транспорт харажатлари 3 %, жиҳоз ва ускуналар учун транспорт харажатлари 2% этиб қабул қилинган.
- Қурилиш материаллари, жиҳозлар, ускуналарнинг тайёрлаш-омболрхона харажатлари 0 % қабул қилинган.
- Қурувчининг бошқа харажатлари 17.27 % этиб қабул қилинган.
- Объектнинг сугурта харажатлари 0 %.

- Бошқа ишлаб чиқариш коэффициентлари қўлланилмаган.

**2. Экспертиза натижалари.**

Объектнинг смета ҳужжатларини ўрганиш жараёнида йўл қўйилган камчиликларга қуйидагича ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ва тавсиялар берилди:

- Қурилиш жараёнида фойдаланилмайдиган машина ва механизмлар йиғма локал ресурсларининг рўйхатидан чиқариб ташлансин
- Линолеум на теплозвукоизолирующей подоснове 1м2 – 72 000 с. этиб қабул қилинсин.
- Светильник 60X60 с коробом 1 шт – 190 000 с. этиб қабул қилинсин.
- Экспертнинг эътироз ва таклифлари бўйича оралик эксперт хулосасига расмий жавоб берилиши керак.

**Хулоса**

- Тошкент шаҳар Чилонзор туманида жойлашган №177 Мактабгача таълим муассасасининг №1,2,3,4 хоналарини жорий таъмирлаш ишлари учун тузилган смета ҳужжатлари объектнинг смета ҳужжатлари бошланғич умумий қиймати ҚҚС билан 123 392 718 сўмни ташкил этади, тақдим этилган бошланғич қийматга нисбатан 1 520 500 сўмга камайди жами ҚҚС билан 121 231 157 сўмни ташкил этиб кейинчалик тасдиқлашга ва келишишга тавсия этилади.

№	Объектнинг номи	Объектнинг тақдим этилган бошланғич қиймати (ҚҚС билан)	Экспертизадан сўнг тавсия этилган қиймат (ҚҚС билан)	Фарқи
1	Тошкент шаҳар Чилонзор туманида жойлашган №177 Мактабгача таълим муассасасининг №1,2,3,4 хоналарини жорий таъмирлаш ишлари учун тузилган смета ҳужжатлари	123 392 718	121 231 157	2 161 561

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.06.2003й.даги № 261 сонли қарори билан тасдиқланган “Қурилатган (таъмирланиётган) объектнинг бошланғич умумий қийматини аниқлаш тартиби”га асосан тавсия этилган қиймат пудрат шартномаси тузиш учун асос бўла олмайди ва тендер савдолари ўтказиш учун тавсия этилади.

Эксперт



*(Handwritten signature in blue ink)*

А.Ўктамов